

НОРМА МАСАЛАЛАРЧИ

ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган



8 декабрь -



Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ТЎРТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

АХБОРОТ

3 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси очилди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Сенатининг 2010 йилга ва кейинги йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурини маъқулладилар. Ҳар томонлама муҳокамадан сўнг ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги масалани кўриб чиқишга киришдилар. Сенаторлар мамлакатнинг асосий молиявий ҳужжати макроиқтисодий барқарорликни таъминлашни, Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастури ва кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилганлигини ҳамда ялпи ички маҳсулотнинг юқори суръатлар билан ўсишига эришишга, диверсификация қилинган ва рақобатбардош иқтисодий шакллантиришга, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини янада оширишга қаратилганлигини қайд этдилар.

Муҳокама асносида сенаторлар дунёнинг аксарият мамлакатларида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози натижасида иқтисодийнинг ўсиши анча пасайиб кетган, ишлаб чиқаришда турғунлик жараёнлари юз берган, давлатнинг ташқи қарзи кўпайиши давом этаётган бир вақтда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш юзасидан Ўзбекистонда Президент Ислоҳ Каримов томонидан илгари сурилган Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастури амалга оширилаётганлиги сабабли ишлаб чиқариш даражаси сақлаб қолинишдан ташқари иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари таъминланганлигини, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети профицит билан ижро этилиши таъминланётганлигини таъкидладилар.

Мажлисда қайд этилганидек, мамлакатимизнинг 2011 йилга мўлжалланган солиқ сиёсати ҳужжалик юритувчи субъектлар зиммасига тушаётган солиқ юкини янада камайтиришга, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга, фуқароларнинг даромадларини ва уларнинг харид қобилиятини оширишга, солиқ маъмуриятчилигини тақомиллаштиришга, шунингдек, маҳаллий бюджетларнинг даромадлар қисмини мустаҳкамлашга қаратилади. Хусусан, аҳолининг реал даромадларини кўпайтириш мақсадида келгуси йилда жисмоний шахслар даромадларига солинадиган солиқ ставкаси солиққа тортишнинг биринчи ва ўрта шкаласи бўйича бир фоиз бандига пасайтирилади. Шунингдек, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаларини 7 фоиздан 6 фоизгача пасайтириш назарда ту-

тилмоқда. Ҳисоб-китобларга қараганда, бу чора 2011 йилда 50 миллиард сўмдан кўпроқ маблағни ҳужжалик юритувчи субъектлар ихтиёрида қолдириш имконини беради, уларга ишлаб чиқаришни кенгайтириш, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни амалга оширишни жадаллаштириш учун шароит яратарди.

Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги Давлат бюджети ижтимоий соҳага ва аҳолини социал қўллаб-қувватлашга қилинадиган харажатлар улушини 2010 йилдаги 58,9 фоиздан 2011 йилда 59,5 фоизгача кўпайтиришни назарда тутатганлиги, бу ЯИМга нисбатан 13,1 фоизни ташкил қилиши алоҳида кўрсатиб ўтилди. Ҳар томонлама муҳокамадан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги Давлат бюджетини маъқуллаш ҳақидаги қарорини қабул қилдилар.

Сенаторлар «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2011 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунни кўриб чиқдилар. Қонун Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиши, унинг асосий мақсади - кодекснинг айрим моддалари, нормалари ўртасидаги тафовутларни бартараф этишдан ҳамда аниқлаштирувчи нормаларни киритишдан, шунингдек, солиқ тўловчилар билан давлат солиқ хизмати органлари ўртасида вужудга келадиган низоли вазиятларни бартараф этишдан иборат.

Шу билан бирга, қонун вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича ҳамда ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақаларни тўлашдан бош тортганлик учун мансабдор шахсларнинг, шунингдек, ходимлар сонини яширганлик учун ва қонунга хилоф равишда ходим ёллаганлик учун фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлигини кучайтиришни назарда тутди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 27-моддаси билан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига мувофиқ белгиланиши муносабати билан «Бож тарифи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига импорт ва экспорт божхона божлари ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланиши ҳақида ўзгартиш киритилмоқда. «Ҳужжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси

Қонунчиликдаги янгиликлар

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтидаги эркин қириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.



DUTY FREE ИККИГА БЎЛИНДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 19 ноябрдаги 253-сон қарори билан Бож олинмайдиган савдо дўкони фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга (ВМнинг 2003 йил 20 ноябрдаги 523-сон қарори билан тасдиқланган) ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Бож олинмайдиган савдо дўкони энди икки турга бўлинади:


а) Ўзбекистон Давлат чегарасини кесиб ўтадиган жисмоний шахслар учун. Унда республикага кириб келаётган ва ундан чиқиб кетаётган жисмоний шахсларга ҳам маҳаллий товарлар, ҳам импорт қилинган товарлар эркин алмаштириладиган валютага, шу жумладан, жойнинг ўзида истеъмол қилиш учун чакана сотилади;

б) ТИВда аккредитация қилинган хорижий шахслар учун. Мазкур дўконда хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларига, халқаро ташкилотлар ва уларга тенглаштирилган ушбу ташкилотларнинг ваколатхоналарига, хорижий ходимларига, шунингдек улар билан бирга яшайдиган ва Ўзбекистон фуқаролари ҳисобланмайдиган, ТИВда белгиланган тартибда аккредитация қилинган уларнинг оила аъзоларига хорижий товарлар ЭАВга сотилади.

Акциз солиғи ва ҚҚС солинмайдиган товарларни божсиз олиб кириш нормаси ва олиб кириш нормаси эндиликда жисмоний шахс томонидан Ўзбекистон ташқарисидан олиб қириладиган ва унинг томонидан республикага киришда бож олинмайдиган савдо дўконларидан сотиб олинган товарларнинг жамига нисбатан қўлланилади. ТИВда аккредитация қилинган хорижий шахслар учун бож олинмайдиган савдо дўконларида акциз остидаги товарларни харид қилишнинг чекланган нормалари Молия вазирлиги билан келишган ҳолда ДБК томонидан белгиланади.

Жисмоний шахслар учун

дўконларда товарларни сотиш



Сенаторлар ўз ишларини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда ўтказилган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузаси ҳамда мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ролини кўпайтириш борасидаги 2010 йил ва кейинги йилларга мўлжалланган вазифалар тўғрисидаги масалани кўриб чиқишдан бошладилар.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу маърузаси мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётида гоят муҳим воқеа бўлганлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси парламенти ҳар иккала палатасининг қўшма мажлисидаги маърузаси жаҳон жамоатчилигига ижобий таъсир кўрсатиши ва ҳозир ҳам оммавий ахборот воситаларида таниқли давлат, сиёсат ва жамоат арбоблари, хорижий мамлакатларнинг олим ва экспертлари томонидан кенг шарҳланмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган ва илгари сурилган Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг қоида ва хулосалари асосий стратегик мақсадга эришишга - иқтисодий барқарор ривожланиб бораётган ва бутун дунёда ҳурмат-эътибор қозongan, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари сўзда эмас, балки амалда олий қадрият ҳисобланувчи кучли фуқаролик жамиятига эга бўлган демократик ҳуқуқий давлатни барпо этишга қаратилган.

Сенаторлар ўз чиқишларида мазкур Концепциянинг қоидалари ва хулосаларини бутунлай ва тўла-тўқис маъқулладилар.

Сенаторлар масалани ҳар томонлама муҳокама қилганларидан кейин давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, ахборот соҳасини ривожлантириш ҳамда сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, сайлов қонунчилигини тақомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, бозор ислохотларини чуқурлаштириш ҳамда иқтисодий либераллаштиришнинг Концепцияда белгилаб берилган асосий йўналишларини ҳисобга олган ҳолда Президент маърузасининг асосий қоидалари ва хулосаларини амалга ошириш юзасидан Олий Мажлис

УШБУ
СОҒДА

1-4-бетлар

Қонун ҳужжатларига қисқа шарҳ

\$1 = 1635,44 сўм

3-бет

Парламент тинглови ўтказилди

€1 = 2153,18 сўм

5-бет

Маслаҳатни юрист беради

£1 = 2573,86 сўм

6-бет

Саволлар кадрлар масаласига доир

¥10 = 197,28 сўм

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ТЎРТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

АХБОРОТ

1-бетда Конунининг 12-моддаси иккинчи қисмига назорат қилувчи органларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Ҳукуматининг қарорларидан келиб чиқадиган текширувларни ўтказиш зарур бўлган ҳолларда режадан ташқари текширувларни амалга ошириш ҳуқуқини берадиган ўзгаришлар киритилди.

Конун билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига солиқни ва бошқа мажбурий тўловни ҳисоблаб чиқаришга, солиқ солинадиган базани аниқлашга, пахта толасини республиканинч ички истеъмолчиларига реализация қилиш бўйича оборотларга солиқ солиш масалаларини тартибга солишга қаратилган бир қатор қўшимча ва тузатишлар ҳам киритилмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 208-моддасига киритилган ўзгаришлар давлат мулкни ижарага бериш бўйича хизматларни шунингдек, санаторийлар, шифоналар, профилакторийлар, курортлар, пансионатлар, дам олиш уйлари ва зоналари, болалар дам олиш оромгоҳлари ҳамда бошқа дам олиш ташкилотлари томонидан уларнинг асосий фаолияти доирасида кўрсатиладиган хизматлар, улар юридик шахслар ёки юридик шахсларнинг таркибий бўлинмалари томонидан кўрсатилишидан қатъи назар, қўшимча қўйимат солиғидан озод қилинишини назарда тутди. Конун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан бандлик, аҳоли даромадлари, турмуш даражаси ва сифати ошишини таъминлаш, худудлар ва иқтисодий тармоқларининг меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликларининг иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлиги масалаларини ҳал қилиш учун жавобгарлигини кучайтириш мақсадларида ишлаб чиқилган **2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури**ни кўриб чиқдилар ва маъқулладилар.

Дастурда 2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш прогноз параметрларининг бажарилиши бўйича ташкилий

чора-тадбирлар назарда тутилган.

Шундан кейин парламент юқори палатасининг аъзолари **«Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари ҳақидаги айрим қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги конунни кўриб чиқдилар.

Сенаторлар **«Риэлторлик фаолияти тўғрисида»**ги ва **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»**ги 222-II-сонли қарорининг 1-иловасига қўшимча киритиш ҳақида»ги конунларни кўриб чиқдилар ва маъқулладилар.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 19 ноябрдаги фармойишига мувофиқ ишлаб чиқилган **«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда **«Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги конунни кўриб чиқдилар. Ушбу конуннинг асосий мақсади – пенсиялар миқдори фуқароларнинг Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағларини шакллантиришга қўшадиган ҳиссасига боғлиқлигини кучайтиришдан, унинг даромадлари ва харажатлари мувозанатлигини таъминлашдан иборат эканлиги қайд этилди. Конун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 15 майдаги «Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан ишлаб чиқилган **«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»**ги Конунининг 5-моддасига ўзгариш киритиш ҳақида»ги Конунни кўриб чиқдилар ва маъқулладилар.

Сўнгра **«Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва**

қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Конунни кўриб чиқиш чоғида сенаторлар ушбу конун иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сурғурта қилиш бўйича конун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган мажбуриятни бузганлик учун маъмурий жавобгарлик масалаларини тартибга солишга қаратилганлигини таъкидладилар. Конун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар **«Сурғурта фаолияти тўғрисида»**ги Конунининг 15- ҳамда 18-моддаларига ўзгаришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги, **«Табий монополиялар тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига ўзгариш киритиш ҳақида»ги конунларни кўриб чиқдилар ва маъқулладилар.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларидаги қонунчилик нормаларини бир хил қўллашни таъминлашга тўсқинлик қилаётган қарама-қаршиликлар ва номувофиқликларни бартараф этишга қаратилган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги Конунни кўриб чиқдилар.

Муҳофаза этиладиган табиий худудларни ташкил этиш, муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган 2005 йил 17 январдан амал қилиб келаётган «Муҳофаза этиладиган табиий худудлар тўғрисида»ги Қонунидаги «алоҳида муҳофаза этиладиган табиий худудлар» тушунчаси ўрнига халқаро стандартларга мувофиқ «муҳофаза этиладиган табиий худудлар» тушунчасидан фойдаланилди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ташаббуси билан киритилган **«Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида»**ги Конунни кўриб чиқдилар ва қабул қилдилар.

Парламент юқори палатаси аъзолари **«Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги Конунни кўриб чиқдилар. Конун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати ахбороти асосида тайёрланди.

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ

1-бетда

фақат харидорнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат тақдим этилгандан кейин амалга оширилади. Унга бериладиган ККМ чекида эса қуйидаги маълумотлар бўлиши керак: касса чеки рақами; рейсинг рақами ва харидорнинг самолётдаги жойи рақами (ҳавода ташишда); харид қилинган вақт ва сана; сотиладиган товарнинг номи, нархи ва миқдори; сотувчи томонидан олинган хорижий валюта суммаси; касса аппарати рақами; бож олинмайдиган савдо дўконининг номи; дўкон эгасининг СТИРИ.

Хорижий шахслар учун дўконларда товарларни сотиш фақат ТИВда берилган аккредитация карточкаси тақдим этилганидан кейин амалга оширилади. НКМнинг чекида қуйидаги маълумотлар бўлиши керак: касса чеки рақами; бож олинмайдиган савдо дўкони эгаси – юридик шахсининг номи, унинг юридик манзили; аккредитация карточкасининг тоифаси, рақами, ходимнинг ёки унинг оила аъзосининг фамилияси, исми ва отасининг исми, лавозими, карточка ким томонидан берилганлиги ва унинг амал қилиш мuddати кўрсатилиши керак; харид қилинган вақт ва сана; товарнинг номи, миқдори, биттасининг қиймати, умумий қиймати; касса аппарати рақами; бож олинмайдиган савдо дўкони эгасининг СТИРИ.

Хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналар мазкур дўконлардан ҳужжатда белгиланган шаклдаги буюртманомалар асосида ТИВда аккредитация қилинган хорижий шахслар учун товарларни сотиб олишлари мумкин.

Бож олинмайдиган савдо дўконларидан давлат асслик тамғасига эга бўлмаган қимматбаҳо металллар ва тошлардан ясалган буюмларни сотиш тақиқланади (олдин қимматбаҳо металллар ва тошлардан, шунингдек, қаҳрабодан ясалган заргарлик буюмлари ва бошқа маиший буюмларни сотиш тақиқланган).

СЕРТИФИКАТЛАНАДИГАН НКМ

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 ноябрдаги 255-сон қарори билан **Мажбурий тартибда сертификатланадиган маҳсулот турлари рўйхатига** (ВМнинг 2004 йил 6 июлдаги 318-сон қарори тасдиқланган) Президентнинг 2010 йил 26 апрелдаги «Дехқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-1326-сон қарорига мувофиқ қўшимча киритилди. Эндиликда 8470 21 000 0 ва 8470 50 000 0 ТИФ ТН кодларига мувофиқ келувчи назорат-касса машиналари (маълумотларни босиб чиқариш қурилмаси ўрнатилган электрон санаш машиналари ва касса аппаратлари) мажбурий тартибда сертификатланиши керак.

«ЎЗАВТОСАНОАТ» ВА ЧОРВАЧИЛИК

Вазирлар Маҳкамасининг «Чорвачиликда наслчилик, зоотехника ва илмий-тадқиқот ишларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» (2010 йил 22 ноябрдаги 257-сон) қарори билан «Ўзавтосаноат» АКнинг устоз жамғармасига негизда «Ўзнаслэлита» МЧЖ ташкил этиладиган «Шалола-насли мол тайёрлаш» давлат корхонасининг бино ва иншоотлари берилди. «Ўзавтосаноат» ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази унинг инвесторлари бўладилар. Марказ МЧЖга интеллектуал мулкни баҳолаш ташкилотлари томонидан аниқланадиган қиймати бўйича беради.

«Ўзнаслэлита» МЧЖнинг асосий вазибалари этиб гўшт-сут маҳсулотлари етиштириш бўйича замонавий технологик комплекс ташкил этиш, ем-хашак экинлари уруғларининг элита навларини етиштиришни; илмий тадқиқотлар ўтказиш учун Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти олимларига зарур шарт-шароитлар яратиш, мустаҳкам ем-хашак базаси, юқори маҳсулдор сигирларнинг «насл ядроси»ни ташкил этиш, улардан пода тўлдирадиган бузоқлар олиш, илғор илмий ютуқларни ишлаб чиқаришга жорий этиш белгиланган.

МИЛЛАТ СОҒЛИҒИ УЧУН

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 ноябрдаги «Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 260-сон қарори билан белгиланишича, 2011 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистонда I нав бугдой уни ва ош тузи фақат микронутриентлар билан бойитилган ҳолда ишлаб чиқарилади ва сотилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлигига уларни бойитиш учун зарур бўлган витамин-минерал аралашмалар ва бошқа товарлар ўз вақтида харид қилиниши ва республикага етказиб берилишини таъминлаш топширилди. У озиқ-овқат маҳсулотларининг бошқа турларида микронутриентларнинг зарур даражаси мавжуд бўлиши бўйича маълумотлар таҳлилини доимий асосда олиб бориши, уларнинг яқунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига микронутриент билан бойитилиши керак бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари рўйхатини кенгайтиришга оид таклифларни киритиши шарт.

МУНИЦИПАЛ МУЛК СОТИЛАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 25 ноябрдаги 262-сон қарори билан Давлат активларини биржа савдоларида сотиш тартиби тўғрисида низом (ВМнинг 2009 йил 29 январдаги 27-сон қарори билан тасдиқланган) талабларига мувофиқ Тошкент ҳокимиятининг баъзи муниципал мулк объектлари сотилмоқда.

ОҒОҲ ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ

Марказий банки Бошқаруви ва Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг қарорлари

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат | Сана | АҚШ доллари | | Евро | | Россия рубли | |
|-------------|------------|-------------|---------|---------|-----------|--------------|----------|
| | | бирлиги | курси | бирлиги | курси | бирлиги | курси |
| Озарбайжон | 2.12.2010 | 1 | 0,80 | 1 | 1,0481 | 1 | 0,0255 |
| Арманистон | 2.12.2010 | 1 | 359,40 | 1 | 474,01 | 1 | 11,46 |
| Беларусь | 3.12.2010 | 1 | 3031,00 | 1 | 3979,40 | 1 | 96,68 |
| Грузия | 2.12.2010 | 1 | 1,7669 | 1 | 2,3141 | 1 | 5,6171 |
| Қозоғистон | 3.12.2010 | 1 | 147,68 | 1 | 193,80 | 1 | 4,71 |
| Қирғизистон | 3.12.2010 | 1 | 46,89 | 1 | 62,1292 | 1 | 1,4942 |
| Латвия | 3.12.2010 | 1 | 0,536 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,0171 |
| Литва | 3.12.2010 | 1 | 2,6231 | 1 | 3,4528 | 10 | 8,3712 |
| Молдова | 2.12.2010 | 1 | 12,1821 | 1 | 15,9677 | 1 | 0,3869 |
| Тожикистон | 3.12.2010 | 1 | 4,3995 | 1 | 5,824 | 10 | 1,4203 |
| Ўзбекистон | 30.11.2010 | 1 | 1633,90 | 1 | 2183,71 | 1 | 52,11 |
| Украина | 2.12.2010 | 100 | 793,80 | 100 | 1041,0687 | 10 | 2,5236 |
| Эстония | 2.12.2010 | 1 | 11,8625 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,378244 |

Манба: www.prime-tass.ru

УШУБУ СОҒДА:
 ✓ **УСТУВОРЛИКЛАР**
 – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси тўғрисида ахборот **1-2-бетлар**
 ✓ **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
 – Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
 – Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари тўғрисида ахборот **1-4-бетлар**

✓ **ҚОНУН ИЖОДКОРЛАРИ НИМАЛАР УСТИДА ИШЛАШ-МОҚДА**
 – Хавфсизлиги ҳамин қадар **3-бет**
 ✓ **ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР**
 – Бир кун аввал, бир кун кейин – фарқи бир чорак
 – Лицензия беш йил мuddатга берилди
 – Манзилим ўзгарганини хабар қиламан **5-бет**

✓ **КАДРЛАР БЎЛИМИ**
 – Ариза топширинг, сизга жавоб беришади
 – Бош бухгалтер этиб тайинланган
 – Бухгалтерга татбиқ этилмайди
 – Ҳужжатни кутинг **6-бет**
 ✓ **top** **7-8-бетлар**

ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

(АВ томонидан 2010 йил 2027-2-сон ва 2023-2-сон билан рўйхатдан қазилган) билан қуйидаги ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди:

● **Нобанк кредит ташкилотларида жинойи фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари** (рўйхат рақами 2027-, 2009 йил 28 октябрь). Уларга мувофиқ, олинган ахборотларнинг ишончилигига шубҳалар мавжуд бўлса, нобанк кредит ташкилотлари уларни текширишлари лозим. Бундай ҳолатларда улар мижозлар ҳақидаги ахборотларнинг ишончилигини ёки ҳужжатларнинг ҳақиқийлигини аниқлаштириш учун тегишли ташкилотларга мурожаат қилишга ҳақли. Мижозни лозим даражада текширишни амалга оширишнинг имкони мавжуд бўлмаган тақдирда нобанк кредит ташкилоти Департаментга хабар бериши керак. Барча мижозлар бўйича электрон шаклдаги сўровномалар тўлдирилади. Шубҳали операцияларни амалга оширувчи ва юқори даражадаги хатар тоифасига киритилган мижозлар бўйича сўровномалар қоғоз шаклида ҳам тўлдирилади.

● Тижорат банкларида жинойи фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари (рўйхат рақами 2023, 2009 йил 23 октябрь). Тижорат банклари бир марталик операциялар амалга оширилган қуйидаги ҳолларда мижозларни лозим даражада текширишлари шарт: ЭКИХнинг 1000 бараварига тенг ёки ундан ошган суммада жисмоний шахслар томонидан нақд чет эл валютаси ва (ёки) йўл чеклари сотишида; ЭКИХнинг 100 бараварига тенг ёки ундан ошган суммада жисмоний шахслар томонидан нақд чет эл валютасини майдаланишида, алмаштирилишида ва (ёки) конверсиялашишида; мазкур суммада мижозлардан нақд чет эл валютаси ва (ёки) йўл чекларини экспертиза учун қабул қилинишида; мижозлар томонидан пластик карточкалар бўйича нақд хорижий валюта олиннишида; жисмоний шахслар томонидан нақд чет эл валютасини ва (ёки) чет эл банклари ва молия институтлари томонидан чиқарилган йўл чекларини сотиб олиннишида; банк ҳисобваранини очмасдан ёки ҳисобварадан фойдаланмасдан, пул ўтказмаларини амалга оширишда ёки қабул қилишда (коммунал ва алоқа хизмати, бюджет, бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар бундан мустасно).

2010 йил 29 ноябрдан кучга кирди.

Давлат мулки кўмитаси ҳузуридаги қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази ҳамда Бош прокуратура ҳузуридаги Солик, валютага оид жинойатларга ва жинойи даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг қарори (АВ томонидан 2010 йил 19 ноябрда 2033-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари учун жинойи фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига (рўйхат рақами 2033, 2009 йил 3 ноябрь) киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга мувофиқ, қимматли қоғозлар бозори мутахассисларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашни амалга оширувчи таълим муассасалари томонидан назоратчиларни жинойи фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришнинг замонавий технологиялари, усуллари ва тенденциялари тўғрисидаги маълумотларни қамраб олган сўнгги янгилеклардан хабардорлигини таъминлаш ҳамда қонунчиликнинг барча жиҳатлари ҳақида аниқ тушуниришлар бериш мақсадида ўқитиш ва малакасини ошириш амалга оширилади.

Ички назоратни амалга ошираётганда назоратчи қуйидагиларга ҳам мажбур:

мижозни лозим даражада текшириш материалларига қўшиб қўйилган яққол иқтисодий моҳиятга эга бўлмаган, мижознинг таъсис ҳужжатларида ёки давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномасида назарда тутилган мақсад ва фаолият турларига тўғри келмайдиган барча операциялар бўйича лозим даражада текшириш натижалари ва ҳулосаларини ёзма равишда қайд этиш;

идентификациялашни яқунлаш имкони бўлмаганда ёки лозим даражада текшириш натижаларига кўра, мижоз билан амалий иш муносабатларини ўрнатиш мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатиб турадиган маълумотлар олинганда, мижоз билан битим тузишни рад этиш. Хизматлар кўрсатаётган ва операцияларда иштирок этаётган шахслар энди мижоз томонидан тақдим этиладиган ахборотни текширишлари шарт. Уларнинг ахборотни сақлашга доир мажбурияти иш ёзишмаларига ҳам таъбиқ этилади (операция амалга оширилган ёки мижозлар билан муносабатлар тўхтатилгандан кейин камида 5 йил).

Шунингдек бошқа ўзгартириш ва қўшимчалар ҳам киритилган.

2010 йил 29 ноябрдан кучга кирди.

ЁШЛАР ЖАЛБ ЭТИЛМАСИН

«Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бошлигининг буйруқлари (АВ томонидан 2010 йил 19 ноябрда 1582-1-сон ва 1580-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Юк ортиш ва тушириш ишларидаги юкчилар учун ишларнинг хавфсизлиги қоидаларига (рўйхат рақами 1582, 2006 йил 13 июнь) ва Оддий қумокланган ва эмульсияланган портловчи моддалар ишлаб чиқариш ходимлари учун ишларнинг хавфсизлиги қоидаларига (рўйхат рақами 1580, 2006 йил 7 июнь) ўзгартиришлар киритилди. Уларга мувофиқ, 18 ёшдан кичик бўлган шахсларни ўн саккиз ёшдан кичик шахсларнинг меҳнати қўлланиши тақиқланадиган ноқулай меҳнат шароитлари ишлари рўйхатида (рўйхат рақами 1990, 2009 йил 29 июль) келтирилган ишларга жалб этиш тақиқланади.

2010 йил 29 ноябрдан кучга кирди.

27 РАЗРЯДЛИ УНИКАЛ РАҚАМ

Молия вазирининг буйруғи (АВ томонидан 2010 йил 19 ноябрда 1746-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги гизначилигида ва унинг ҳудудий бўлиналарида юритиш қоидаларига

4-бетда

ХАВФСИЗЛИГИ ҲАМИН ҚАДАР

Қонунчилик палатасидаги ЎзЛиДеП фракцияси ва парламент қуйи палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари кўмитаси кичик бизнес субъектлари ҳамда агрофирмалар тайёрлаётган озиқ-овқат маҳсулотларини «Ўзстандарт» агентлиги томонидан сертификатлаштириш муаммолари юзасидан парламент тинглови ўтказди.

Мазкур масалани муҳокама этишга техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида ўтган йилнинг апрель ойида қонун қабул қилинганлиги муносабати билан содир бўлган табиий ўзгаришлардан ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлашнинг замонавий технологиялари ва стандартларига мувофиқ кичик корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш жараёнларидан ташқари тадбиркорлардан тушаётган, стандартлаштириш тартиб-таомиллари, уларнинг фикрича, асоссиз равишда мураккаблиги ва қимматлиги хусусидаги қўллаб-қувватлаш шароитлари сабаб бўлди.

Парламент тингловида «Ўзстандарт», Давлат санитария ва эпидемиология назорати инспекцияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ветеринария бош бошқармасининг, Савдо-саноат палатаси ҳамда бошқа манфаатдор идоралар ва ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек тадбиркорлар ҳамда агрофирмаларнинг раҳбарлари иштирок этдилар.

Анжуман иштирокчиларидан бирининг – озиқ-овқат саноати учун хорижий ускуналарга ўхшаш ускуналар ишлаб чиқарувчининг сўзларига қараганда, у шахсан мувофиқлик сертификати олиш учун 8,5 ой вақт ва 5 млн сўмдан ортиқ микдорда маблағ сарфлаган. Бунга ушбу масалалар билан шуғулланган ходимнинг иш ҳақи ва хизмат автомашинаси 6 минг км юрганлигига кетган харажатлар кирмайди. Импорт қилинган стандартлаштирилмаган ускуналардан фойдаланувчилар ҳам айтиш шундай муаммоларга дуч келмоқдалар ва ишлаб чиқариш линиясининг ҳар бир блокни алоҳида-алоҳида сертификатлаштиришга мажбур бўлмоқдалар. Бугунги кунда бу борада айниқса Туркия ва Хитой ускуналари катта қийинчилик туғдирмоқда. Россия ва Украинада ишлаб чиқарилган ускуналар муаммоси уларга нисбатан бирмунча камроқ дейиш мумкин. Бу ерда масала, депутатларнинг фикрича, сертификатлаштириш предметининг сифати яхши ёки ёмонлигидан ҳам кўпроқ бу соҳада халқаро ҳамкорликни кенгайтириш зарурлигида бўлса керак.

Сертификатлаштириш билан боғлиқ ана шу муаммолар, бу ишнинг серчичимлиги ўз йўлига. Тадбиркорларнинг ўзида ҳам айб бор. Чунинчи, «Ўзстандарт» маълумотларига қараганда Агентликнинг ҳудудий бошқармалари 2008 – 2009 йилларда 557 та корхонада ишлаб чиқарилаётган 1 311 турдаги озиқ-овқат маҳсулоти сифати давлат назоратидан ўтказилди. Ана шу корхоналарнинг 554 тасида 773 турдаги маҳсулотнинг стандартларга номувофиқлиги (сифатсизлиги) текширув асосида аниқланди. Бошқача қилиб айтганда, текшириб кўрилган деярли ҳамма корхонада маҳсулот сифати билан боғлиқ муаммо бор.



Ориф ШАРИПОВ,
Аграр ва сув хўжалиги масалалари кўмитаси аъзоси (ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси):

– 1997 йили қабул қилинган «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунга биноан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг давлат санитария-эпидемиология хизмати, Қишлоқ ва сув

хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги давлат ветеринария бош бошқармаси ва ўсимликлар карантини бўйича бош давлат инспекцияси, шунингдек «Ўзстандарт» агентлиги озиқ-овқат маҳсулоти сифатини назорат қилиш бўйича ваколатли органлар деб ҳисобланади.

Маълумки, сифат сертификатини расмийлаштириш тартиб-таомиллари мураккаблигича қолмоқда. Бу тартиб-таомиллар тадбиркорларнинг назарида асоссиз туюлувчи ҳамда ортиқча вақт ва пул сарфиётига олиб келувчи талабларни ҳам ўз ичига олади. Стандартлаштириш ва сертификатлаштириш хизматлари қиймати ҳам анча баландлиги рост.

– **Юзага келган вазиятга «Ўзстандарт» айбдорми?**

– Агентликнинг иши шу. Лекин уни муайян даражада мақбуллаштириш керак деб ўйлайман. Балки Монополиядан чиқариш давлат кўмитаси органлари бу борадаги масалаларни ҳал этишга қайсидир

жиҳатдан ёрдамлашиб юборишар. Аммо биз учун асосий муаммо озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги устидан назорат қилишнинг давлат тасарруфидаги ягона самарали тизимининг йўқлигидир. Юқорида санаб ўтилган ваколатли ташкилотлар келишиб иш олиб бормоқдалар деб бўлмайди, таъбир жоиз бўлса, ҳаммаси ўз аравасини тортмоқда.

– **Ягона тизим деганда сиз нимани назарда тутмоқдасиз? Россиядагига ўхшаб истеъмол назорати бўйича қандайдир янги идора керакми?**

– Йўқ, алоҳида идора ташкил этиш шарт эмас, лекин идораларо мувофиқлаштирувчи марказ бўлиши лозим. Айтиш шундай марказ юқорида айтилган тузилмалар ички ҳамкорлигини, фаолияти мувофиқлаштирилишини таъминлайди. Биз шундай тавсияларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этдик.

Бундан ташқари, 2009 йили қабул қилинган «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Қонун жуда мураккаб. Стандартлаштириш соҳасидаги мутахассислар уни қайсидир даражада тушунишлари мумкин, лекин тадбиркорларнинг ҳаммаси ҳам уни англаб ва билиб олади дейиш қийин. Бинобарин мазкур Қонун нормалари ва талабларини тушунириш ҳамда оммалаштириш юзасидан кенг қўламада иш олиб бориш зарур.

Бу соҳада кадрлар тайёрлаш масаласи ҳам тежорлик билан ечим топтоғи лозим. Мамлакатимизда бундай мутахассисларни комплекс тарзда фақат Тошкент кимё-технология институти тайёрламоқда. Бу йил ана шу институтга мазкур мавзу бўйича бакалавриятга бор-йўғи... 6 киши қабул қилинди. Кейинги 2 йил мобайнида институтда «озиқ-овқат маҳсулоти сифати ва хавфсизлигини назорат қилиш» мутахассислиги бўйича озиқ-овқат тармоғи технологлари учун магистратура ишлаб турибди. Шунга қарамай, барибир мутахассислар етишмаяпти.

Ўқитувчилар савиясини ҳам кўтариш зарур. Сўз юритилаётган соҳадаги кафедрада мазкур фан бўйича мутахассислар етарли эмас. Мамлакатимизда ана шу мутахассислик бўйича фан доктори ҳам, фан номзоди ҳам йўқ. Бу муҳим фанни ўқитишга кўпинча ускуналар бўйича механиклар, технологлар ёки фундаментал фанлар соҳаси мутахассислари, яъни ишлаб чиқариш кўникмасига эга бўлмаган кишилар жалб этилмоқда. Бизда «гўшт-сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси», «ветеринария-санитария экспертизаси», «умумий оқатлашни технологияси» мутахассисликлари бўйича илмий унвонга эга бўлган олимлар ҳам йўқ ҳисоб.

Юлия ЯШИНА,
«Норма маслаҳатчи» махсус муҳбири.

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

3-бетда

(рўйхат рақами 1746, 2007 йил 5 декабрь) ўзгартиришлар киритилди.

Уларга мувофиқ, бюджетдан маблағ олувчининг шахсий ҳисобварағининг уникал рақами энди 27 разряддан иборат (аввал 22 разряд бўлган): 1-6 гача разрядлар – маблағларнинг манбалар коди ва бюджет даражаси; 7-9 гача разрядлар – валюта коди; 10-14 гача разрядлар – ҳудудий тегишлилик коди; 15-24 гача разрядлар – бюджетдан маблағ олувчилар бўйича бюджет таснифининг тегишли кўрсаткичлари кодлари, 25-27 гача разрядлар – бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақ рақами коди.

2010 йил 29 ноябрдан кучга кирди.

МАСОФАДАН ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ҚОИДАЛАРИ

Марказий банк бошқарувининг қарори (АВ томонидан 2010 йил 19 ноябрда 2155-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларида ишлаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизими банк ва унинг мижози ўртасидаги муносабатларни автоматлаштиришга мўлжалланган бўлиб, пул маблағларини бошқаришнинг тезкорлигини ҳамда банк операцияларининг сифатли қайд қилинишини таъминлайди. Тизимнинг асосий вазибалари қуйидагилардир: мижозни аутентификация қилиш, электрон тўлов ҳужжатларини киритиш, электрон тўлов ҳужжатларини шифрлаш ва уларни банк ахборот тизимларида қайта ишлаш учун алоқа каналлари орқали узатиш, ахборот хабарларини қабул қилиш-узатиш, ҳисобот шакллари (шахсий ҳисобварақлар, электрон тўлов ҳужжатлари, киритилган ҳужжатларнинг рўйхатини) кўриш ва чоп этиш. Тизим банкнинг мулк ҳисобланади ва Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларини қўллаган ҳолда тўлов тизимларини ташкил қилиш қоидалари талабларига мос бўлиши шарт. Ундан фойдаланиш ва тизим хизматлари учун ҳақ миқдори банк ва мижоз ўртасида тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади.

2010 йил 29 ноябрдан кучга кирди.

ХОРИЖИЙ АВТОТРАНСПОРТ УЧУН НИЗОМ

Давлат боғхона кўмитаси ва Ички ишлар вазирлигининг қарори (АВ томонидан 2010 йил 19 ноябрда 2156-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган транспорт воситаларини боғхона расмийлаштиришдан ўтказиш ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИДАГИЛАР УЧУН ШТАТ

Молия вазирининг буйруғи (АВ томонидан 2010 йил 19 ноябрда 2157-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Унга мувофиқ, Давлат бюджетидан харажатлар тасдиқланган бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида ва ташкилотларнинг харажатлар сметасида кўрсатилган мақсадлар учун амалга оширилади. Юридик шахс мақомига эга бўлган ва харажатларни қоплаш учун бюджетдан ажратилган маблағлардан ташқари бошқа даромад манбалари мавжуд бўлган ташкилотлар ҳам бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметаларни тузадилар. Давлат бюджетидан маблағ оладиган ташкилотда тасдиқланган харажатлар сметаси, бюджетдан ташқари маблағлар мавжуд бўлганда эса, бюджетдан ташқари маблағлар бўйича смета бўлиши шарт.

Ташкилотлар, агарда қонунчиликда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, мустақил равишда харажатлар сметасини, бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметани, шунингдек штатлар жадвалини тасдиқланган ташкилий тузилма, штат бирликлари, намунавий штатлар ва бюджетдан молиялаштириш меъёрларига мувофиқ ишлаб чиқадилар ва тасдиқлайдилар. Харажатлар сметасига республика қонунлари, Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Президент фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, тегишли ҳокимиятлар уларга берилган тегишли ҳуқуқ ва ваколатлар доирасидаги қарорлари ва фармойишларида кўзда тутилган харажатлар киритилади.

2010 йил 29 ноябрдан кучга кирди.

ЯНА ҚАЙТА ҲИСОБ-КИТОБ ҲАҚИДА

Молия вазирининг буйруғи (АВ томонидан 2010 йил 20 ноябрда 2158-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 ноябрдаги ПФ-4253-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Ҳужжат билан 1991 йилнинг 1 январигача ва ундан кейинги йилларда тайинланган пенсияларнинг миқдорини тенглаштириш ва қайта ҳисоблаб чиқиш мақсадида, йиллар ва ойлар бўйича дифференцияланган янги тузатувчи коэффициентлар ўрнатилди. Пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун энди 397 880 сўмдан (8 ЭКИХ х 49 735 сўм) ортқ бўлмаган ўртача ойлик иш ҳақи инобатга олинади.

2010 йил 30 ноябрдан кучга кирди.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2010 йил 20 ноябрдан 26 ноябргача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 47-сонидан тасдиқланди.

Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари тўғрисида АХБОРОТ

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2010 йил, 44-45-сон)

| Т/р | Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ташкил қилган юридик шахснинг номи ва жойлашган жойи | Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ҳисобини рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами ва санаси | Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди судьялари (Ф.И.О.) |
|-----|--|--|--|
| 1. | Ўзбекистон ҳакамлик судлари ассоциацияси Бухоро вилоят ваколатхонаси (Бухоро шаҳар, М.Иқбол кўчаси, 6-уй) | № 3 09.07.2010 й. | 1. Махмудов Фурқат Ҳасанович 2. Амонов Завқиддин Аминович 3. Жўраева Манзура Насриддиновна 4. Турсунов Ёрқинжон Камолович |
| 2. | Ўзбекистон ҳакамлик судлари ассоциацияси Бухоро вилоят ваколатхонаси (Бухоро вилояти, Ғиждувон туман, Юсуф Хамадоний кўчаси, 61-уй) | № 4 09.07.2010 й. | 1. Ўринов Азимжон Исмоилович |
| 3. | Ўзбекистон ҳакамлик судлари ассоциацияси Бухоро вилоят ваколатхонаси (Бухоро вилояти, Ромитан туман, Бахористон кўчаси, 3-уй) | № 5 19.08.2010 й. | 1. Жўраева Манзура Насриддиновна |
| 4. | Ўзбекистон ҳакамлик судлари ассоциацияси Бухоро вилоят ваколатхонаси (Бухоро вилояти, Қоровулбозор туман, Буюк Ипак йўли кўчаси, 7-уй) | № 6 19.08.2010 й. | 1. Турсунов Ёрқинжон Камолович |
| 5. | Ўзбекистон ҳакамлик судлари ассоциацияси Бухоро вилоят ваколатхонаси (Бухоро шаҳар, М. Иқбол кўчаси, 2-уй) | № 7 19.08.2010 й. | 1. Амонов Завқиддин Аминович |
| 6. | Ўзбекистон ҳакамлик судлари ассоциацияси Бухоро вилоят ваколатхонаси (Бухоро вилояти, Вобкент туман ҳокимлиги биноси) | № 8 19.08.2010 й. | 1. Ўринов Азимжон Исмоилович |
| 7. | Ўзбекистон ҳакамлик судлари ассоциацияси Бухоро вилоят ваколатхонаси (Бухоро вилояти, Жондор туман ҳокимлиги биноси) | № 9 19.08.2010 й. | 1. Амонов Завқиддин Аминович |
| 8. | Ўзбекистон ҳакамлик судлари ассоциацияси Бухоро вилоят ваколатхонаси (Бухоро вилояти, Пешку туман ҳокимлиги биноси) | № 10 19.08.2010 й. | 1. Жўраева Манзура Насриддиновна |
| 9. | Ўзбекистон ҳакамлик судлари ассоциацияси Бухоро вилоят ваколатхонаси (Бухоро вилояти, Шофиркон туман ҳокимлиги биноси) | № 11 19.08.2010 й. | 1. Ўринов Азимжон Исмоилович |
| 10. | Ўзбекистон ҳакамлик судлари ассоциацияси Бухоро вилоят ваколатхонаси (Бухоро вилояти, Бухоро туман ҳокимлиги биноси) | № 12 19.08.2010 й. | 1. Амонов Завқиддин Аминович |
| 11. | Ўзбекистон ҳакамлик судлари ассоциацияси Бухоро вилоят ваколатхонаси (Бухоро вилояти, Когон туман ҳокимлиги биноси) | № 13 19.08.2010 й. | 1. Турсунов Ёрқинжон Камолович |
| 12. | Ўзбекистон ҳакамлик судлари ассоциацияси Сурхондарё вилоят ваколатхонаси (Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Тарраққийт кўчаси, 36-уй) | № 2 07.09.2010 й. | 1. Аллаяров Чарияр 2. Абдурахманов Мансур Мамарасулович 3. Гаппарова Турсиной Мензияевна 4. Маматкулов Жамолддин Нарзуллаевич 5. Равшанқулова Рисолат Адулжабборовна 6. Гаффаров Эргаш Мензияевич 7. Тангиров Бахтиёр Уролович 8. Тогаев Ходжамурат Алламуратович 9. Шанмов Тухтамурат Ашурович 10. Шукуров Мамасоли 11. Муродов Ахмад Аликулович 12. Кичкилов Шерхон Хамзаевич 13. Чаршанбиев Комил Келдиерович |
| 13. | Ўзбекистон ҳакамлик судлари ассоциацияси Сурхондарё вилоят ваколатхонаси (Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Тарраққийт кўчаси, 36-уй) | № 3 07.09.2010 й. | 1. Иброҳимов Азамат Хамидович 2. Турсунов Шовкат Исмоилович |
| 14. | Ўзбекистон ҳакамлик судлари ассоциацияси Сурхондарё вилоят ваколатхонаси (Сурхондарё вилояти, Денов тумани Туркистон кўчаси, 3-уй) | № 4 07.09.2010 й. | 1. Ҳакимов Музаффар Абдуллаевич 2. Саматов Эшмўмин Жўраевич |
| 15. | Ўзбекистон ҳакамлик судлари ассоциацияси Сурхондарё вилоят ваколатхонаси (Сурхондарё вилояти, Сарисий тумани, Й. Охунбобоев маҳалласи, Сарисий туман Суд ижрочилари бўлими биноси) | № 5 07.09.2010 й. | 1. Равшанқулова Рисолат Адулжабборовна 2. Аликулов Тулкин Журакулович |
| 16. | Ўзбекистон ҳакамлик судлари ассоциацияси Сурхондарё вилоят ваколатхонаси (Сурхондарё вилояти, Ангор тумани, К. Мусаев кўчаси, 3-уй) | № 6 07.09.2010 й. | 1. Алимардонов Одил Ишқуватович 2. Назаров Бегмат Рузиевич 3. Абдурахмонов Мансур Мамарасулович 4. Муродов Ахмад Аликулович 5. Маматкулов Жамолддин Нарзуллаевич |
| 17. | Ўзбекистон ҳакамлик судлари ассоциацияси Тошкент вилоят ваколатхонаси (Тошкент вилояти, Бўка шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй) | № 14 27.07.2010 й. | 1. Болиев Сайфутдин Нажимович |
| 18. | Ўзбекистон ҳакамлик судлари ассоциацияси Тошкент вилоят ваколатхонаси (Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Матқобулов м.ф.й., Марказий кўча, Маданият саройи биноси) | № 15 13.08.2010 й. | 1. Ирматова Зухра Нурматовна |
| 19. | Ўзбекистон ҳакамлик судлари ассоциацияси Фарғона вилоят ваколатхонаси (Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 53-уй) | № 389 23.08.2010 й. | 1. Махаматов Бахтиёр Адилевич 2. Қўшақов Латифжон 3. Мўминов Баходир Гулямович |
| 20. | Ўзбекистон ҳакамлик судлари ассоциацияси Фарғона вилоят ваколатхонаси (Фарғона вилояти, Бувайда тумани, Янгиқўрғон шаҳарчаси, Боғи Эрам кўчаси 25-уй) | № 390 23.08.2010 й. | 1. Қодиров Шермухаммад Абдусаломович 2. Мирзаев Абдулатто Бозарович 3. Саминов Зоиржон Раҳматилевич |
| 21. | Ўзбекистон ҳакамлик судлари ассоциацияси Фарғона вилоят ваколатхонаси (Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси 53-уй) | № 391 23.08.2010 й. | 1. Ғаниев Рустамжон Абдумўминович 2. Умрзақов Баходир Абубакирович 3. Мансуров Джемшид Пўлатмирзаевич |
| 22. | Ўзбекистон ҳакамлик судлари ассоциацияси Фарғона вилоят ваколатхонаси (Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, Кипчариқ кўчаси 98-уй) | № 392 23.08.2010 й. | 1. Ризаев Сайдалижон Баходирович |

БИР КУН АВВАЛ, БИР КУН КЕЙИН – ФАРҚИ БИР ЧОРАК



? Бизда янги корхона ташкил этилди, у 2010 йил май ойида рўйхатдан ўтказилди. Солиқ кодексининг 351-моддасига кўра биз рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб 15 кун мобайнида солиқ инспекциясига солиқ солиш тизимини танлаганимиз тўғрисида хабарнома беришимиз керак эди ёки буни кейинги чорак бошлангичига қадар бир ойдан кечиктирмай қилиш мумкин.

Муайян сабабларга кўра биз дастлабки муддатдан 15 кунга кечикдик ва 2010 йил 1 июндан бошлаб ягона солиқ тўловини танлаганимиз тўғрисидаги хабарномани тақдим этиб, ЯСТни тўлашга 2010 йил 1 июлдан ўтганимизни кўрсатдик. Бироқ солиқ инспекциясида бизга бир кун кечикканимизни, хабарномани ойнанинг 1-кунига қадар топшириш кераклигини айтишди.

Шу тўғрими? Агар тўғри бўлса, СКнинг 351-моддасида мазкур жиҳатни аниқлаштириш ва хабарнома ҳисобот чорагидан аввалги ойнанинг 1-кунига қадар топширилиши кераклигини кўрсатиш лозим эмасми? Шунда ҳеч қандай англашилмовчиликларга ўрин қолмасди. Бизнинг фикримизча: 1 июндан 1 июлга қадар бўлган вақт бир ой ҳисобланади.

Хабарномани қабул қилишди, бироқ ҳеч қандай муносабат билдиришмади, яъни бизга 1 июлдан бошлаб ЯСТни тўлашга ўтишимиз мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги хусусида маълум қилишмади. Бир оз вақт ўтгач, бизга ЯСТ тўлашга 1 октябрдан ўтишимиз тўғрисида янги хабарнома топширишни таклиф қилишди. Дастлабки хабарнома бўйича бизни 1 октябрдан бошлаб ўтказиш олмади.



Бош бухгалтер.

– Мазкур ҳолда муддатларни ҳисоблаб чиқариш қоидалари Солиқ кодекси билан белгиланмаган. Шу сабабли муддатни тақвимга қараб ҳисоблаб чиқаришга асосланиш мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир ой 1-кундан 30 ёки 31-кунгача (февраль 1-кундан 28 ёки 29-кунгача) ҳисоблаб чиқарилади. Бинобарин, хабарномани бериш муддати ойнанинг охири кунда, яъни 30 ёки 31-кунда (сизнинг ҳолатингизда – 31 майда) тугайди. Кейинги ойнанинг биринчи кунда эса (сизнинг ҳолатингизда – 1 июнь) ойлик муддатни ҳисоблаб чиқариш бошланади.

Бинобарин, хатти-ҳаракатларингиз Солиқ кодекси 351-моддасининг талабларига мувофиқ бўлиши учун сиз ЯСТ тўлашга ўтишингиз тўғрисида 1 июнга қадар огоҳлантиришингиз лозим эди.

Солиқ инспекцияси 1 июндаги хабарнома асосида ташкилотингизни ЯСТга 1 октябрдан ўтказиш олмади. Солиқ кодекси 351-моддасининг биринчи қисмида бир ой олдин хабардор қилиш тўғрисида талаб мавжуд. Бинобарин, сиз янги хабарнома топширишингиз лозим эди.

Елена ЕРМОХИНА,
«Норма» МЧЖ эксперт-юристи.

ЛИЦЕНЗИЯ БЕШ ЙИЛЛИК МУДДАТГА БЕРИЛАДИ

? Лицензия олиш учун корхона Тошкент шаҳар ҳокимлигининг грампластинкалар, аудиокассеталар ва лазерли дискларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, ёзиш, кўпайтириш ва сотиш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссиясига ариза билан мурожаат қилди. Ижобий ҳулосадан кейин бизга 1 йил учун лицензия беришди. Бироқ мазкур фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги Низомда 5 йиллик давр назарда тутилади. Бизга лицензиянинг муддати 1 йил ўтганидан сўнг узайтирилади деб айтишди. Комиссиянинг ҳаракатлари қонунийми?

Корхона директори.

– Президентнинг «Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун руҳсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида» қарори (2005 йил 21 сентябрдаги ПҚ-186-сон) 1-бандининг иккинчи хатбошиши, Грампластинкалар, аудиокассеталар ва лазерли дискларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, ёзиш, кўпайтириш ва сотиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомнинг (ВМнинг 2003 йил 11 ноябрдаги 498-сон қарори билан тасдиқланган, бундан кейин – 498-сон Низом) 6-бандига мувофиқ грампластинкалар, аудиокассеталар ва лазерли дискларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, ёзиш, кўпайтириш ва сотиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия камида 5 йил муддатга берилади. Қонун ҳужжатларида мазкур талабдан истиснолар назарда тутилмаган.

Лицензиянинг амал қилиш муддати тугаганидан кейин уни узайтириш лозим. Бу ўз-ўзидан юз бермайди. Лицензиат лицензияловчи органга ариза билан мурожаат қилиши зарур (498-сон Низомнинг 25-банди)*.

Артём МОКШИН,
«Норма» МЧЖ эксперт юридик хизматининг бошлиғи.

* Лицензиялаш масалалари бўйича батафсил тушунтиришлар «Корхона юристи» электрон маълумотнома тизимида берилган.

МАНЗИЛИМ ЎЗГАРГАНИНИ ХАБАР ҚИЛАМАН

? Биз кўпинча ташкилотнинг манзили ўзгариши муносабати билан юридик шахсларни қайта рўйхатдан ўтказиш муаммоси билан тўқнаш келамиз.

Президентнинг 2006 йил 24 майдаги ПҚ-357-сон қарори билан тасдиқланган Низом VIII бўлимининг 38-бандида рўйхатдан ўтказувчи органнинг ўзгариши муносабати билан рўйхатдан ўтказиш тартиби тушунтирилган. Бироқ Тошкент шаҳар инспекциялари уларга вилоятдан юридик шахслар ўтиши чоғида, Низомда кўрсатилганидек, туман инспекциясидан рўйхатдан ўтказувчи орган реестрдан кўчирмани эмас, балки юридик шахснинг реестрдан чиқиши тўғрисида хатни ва рўйхатдан ўтказувчи органда сақланадиган ҳужжатлар асл нусхаларининг тўлиқ пакетини топширишни талаб қиляпти. Фақат шундан кейингина улар Тошкент вилоятидаги юридик манзилни пойтахт манзилига алмаштирган ҳужжалик юритувчи субъектларни рўйхатдан ўтказадилар. Бунда улар Низом VII бўлимининг 36-бандини рўқач қиладилар. Бироқ мазкур бандда айтилишича, «ўзининг почта ёки юридик манзили ўзгарганда тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар ўн кун ичида бу ҳақда рўйхатдан ўтказувчи органларни ёзма равишда хабардор қилишлари шарт».

Юридик шахсларнинг бир тумандан (шаҳардан) бошқасига ўтиши тартибини тушунтириб берсангиз. Низом VII бўлимининг 36-банди ва VIII бўлимининг 38-банди қандай ҳолларда қўлланади?

Ф.Раҳматуллаев,
тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясининг бошлиғи.

– Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг¹ (бундан кейин – ПҚ-357-сон Низом) 36 ва 38-бандлари турли таомилларни расмийлаштиришни тартибга солади.

ПҚ-357-сон Низомнинг 38-банди рўйхатдан ўтказиш органининг ўзгаришига олиб келадиган, жойлашган жой манзилини алмаштириш билан қайта ташкил этилган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш чоғида қўшимча шартларни белгилайди. У қуйидаги ҳолларда қўлланади:

- қўшиб юбориш, бўлиш, ажратиш ва ўзгартириш чоғида, агар мазкур қайта ташкил этиш шакллари бирор-бири натижасида ҳосил бўладиган юридик

шахслар, бошқа туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясига бўйсунадиган маъмурий-худудий бирлик доирасида жойлашса;

- қўшиб олиш чоғида, агар қўшиб олувчи шахс бошқа туман (шаҳар) инспекциясига бўйсунадиган ҳудудда жойлашган бўлса. Бундай ҳолатда рўйхатдан ўтказиш органига қўшимча ҳужжат – реестрдан кўчирмани тақдим этиш талаб қилинади. Субъектнинг мурожаати бўйича у:

- бўлиниш натижасида ундан бир нечта мустақил субъект ҳосил қилинган юридик шахс;

- ажралиш натижасида ундан юридик шахс ажралиб чиқадиган юридик шахс;

- қўшилиш натижасида ундан

(улардан) юридик шахс ҳосил қилинадиган юридик шахс (шахслар);

- қўшиб олинган юридик шахс;

- ўзгартириладиган юридик шахс реестрида қайд этилган рўйхатдан ўтказиш органи томонидан бир кун мобайнида берилади.

ПҚ-357-сон Низомнинг 10, 11 (33)-бандларида кўрсатилган ҳужжатлар пакети таркибиде реестрдан кўчирма рўйхатдан (қайта рўйхатдан) ўтказиш учун янги жойлашган жойдаги инспекцияга тақдим этилади.

ПҚ-357-сон Низомнинг 36-банди



¹ Президентнинг 2006 йил 24 майдаги ПҚ-357-сон қарори билан тасдиқланган.

² АВ, ИВ ва ДМҚнинг АВ томонидан 2003 йил 27 сентябрда 1279-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

* Тадбиркорлик субъектларини қайта рўйхатдан ўтказиш ва жойлашган жой манзилининг ўзгариши масалалари бўйича батафсил тушунтиришлар «Корхона юристи» электрон маълумотнома тизимида келтирилган.

Реклама



Эксперт маълумотнома тизими

КОРХОНА ЮРИСТИ

Харид қилиш масалалари бўйича қуйидагиларга мурожаат қилинг:

Тошкент ш., М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон майдони, 10а-уй.
Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс: (998 71) 237-45-29.
E-mail: info@norma.uz, web:www.norma.uz

қайта ташкил этиш билан боғланмаган ҳолда манзил ўзгаришида юридик шахс рўйхатдан ўтказиш органини ёзма равишда хабардор қилиши тўғрисида талабнигина белгилайди. Туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳузурида тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари тўғрисида намунавий низом² 29-бандининг «г» кичик бандига мувофиқ, унга асосланиб инспекция юридик шахсларнинг давлат реестрига янги жойлашган жой тўғрисида ўзгартирилган маълумотларни киритади. Бунда кўрсатилган ҳолда ПҚ-357-сон Низом субъектни таъсис ҳужжатларига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳамда қайта рўйхатдан ўтказиш учун янги жойлашган жойдаги рўйхатдан ўтказиш органига мурожаат қилишга мажбур этмайди. Қонун ҳужжатларида бундай вазиятда ташкилотнинг юридик ишларини бир рўйхатдан ўтказиш органидан бошқасига

бериш таомили тартибга солилмаган. Шу сабабли мазкур масала, шу жумладан субъектнинг аввалги жойлашган жойдаги инспекциядан бирор-бир ёзма тасдиқларни (хатлар ва бошқаларни) талаб қилиб олиш, субъектни жалб этмасдан рўйхатдан ўтказиш органи томонидан идоравий даражада ҳал қилиниши керак.

Ташкилотдан янги жойлашган жойи бўйича «реестрдан чиқиш тўғрисида хат» ва қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган бошқа ҳужжатларни талаб қилишга эса руҳсат берилмайди. Президентнинг «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида» қарори (2005 йил 15 июндаги ПҚ-100-сон) 7-бандининг учинчи хатбошисига мувофиқ давлат бошқаруви органилари, маҳаллий давлат ҳокимияти органилари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган қонунларда назарда тутилмаган ҳар қандай ахборотни, шу жумладан ҳисобот, маълумотлар, маълумотнома ва ҳужжатларни тадбиркорлик субъектидан талаб қилишларига йўл қўйилмайди*.

Артём МОКШИН,
«Норма» МЧЖ эксперт юридик хизматининг бошлиғи.

АРИЗА ТОПШИРИНГ, СИЗГА ЖАВОБ БЕРИШАДИ




«Дўстлик» орденига эга бўлган пенсионерларнинг пенсиясига бирор-бир қўшимча тўловлар мавжудми?

Пенсионер.

«Дўстлик» ордени «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Қонунда (1995 йил 22 декабрдаги 176-сон) назарда тутилган, фуқароларга меҳнат ва жанговар хизматлари, самарали давлат, ижтимоий ва ижодий фаолиятлари учун топшириладиган давлат мукофотларининг бир туридир.

Пенсияларга устамалар «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун (1993 йил 3 сентябрдаги 938-ХII-сон) билан тартибга солинади, унда давлат мукофотлари билан тақдирланган шахсларнинг пенсияларига устамалар назарда тутилмаган. Бироқ мазкур Қонун 28-моддасининг «к» бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси олдиди алоҳида хизматлари бўлган шахслар, хизматларига қараб, энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизидан 150 фоизгача миқдорда устама ҳақ олиш ҳуқуқига эгалар. Ҳозирги вақтда мазкур устама белгиланишини тартибга соладиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас¹. Шу сабабли давлат мукофотларига сазовор бўлган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси олдиди алоҳида хизматлари учун назарда тутилган пенсияга устама олиш ҳуқуқи тўғрисидаги масала ҳозирча қонун ҳужжатлари билан тартибга солилмаган.

Давлат мукофотига сазовор бўлган пенсионер куйидагича йўл тутиши мумкин. Пенсиялар тайинлаш учун зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этиш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисида низома² мувофиқ, пенсия



миқдорига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатлар юзага келган тақдирда у бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимига тасдиқловчи ҳужжатларни (мазкур ҳолда «Дўстлик» ордени билан мукофотлаш тўғрисида ҳужжат) илова қилган ҳолда пенсия миқдорини қайта кўриш тўғрисида ариза билан мурожаат қилишга ҳақлидир.

Қўшимча ҳақ ва устамаларни ҳисобга олган ҳолда пенсияни қайта ҳисоб-китоб қилиш тўғрисида қарорни Пенсия жамғармасининг ҳар бир туман (шаҳар) бўлимида тузиладиган Пенсияларни тайинлаш комиссияси қабул қилади. Ариза 5 кун ичида кўриб чиқиши керак. Пенсияни қайта ҳисоб-китоб қилиш рад этилган тақдирда Пенсия жамғармаси бўлими тегишли қарор чиқарилганидан кейин 5 кундан кечиктирмай аризага рад этиш тўғрисида хабарнома бериши ёки юбориши шарт, унда бунинг сабаблари, шикоят қилиш тартиби кўрсатилиб, айна вақтда барча ҳужжатлар қайтарилиши керак. Ижобий қарор қабул қилинган тақдирда эса тайинланган устама ҳисобга олинган ҳолда пенсия қайта ҳисоб-китоб қилинади.

¹Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунини амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлари рўйхатида (ВМнинг 1994 йил 10 январдаги 6-сон қарорига илова) Республика олдиди алоҳида хизматлари учун устамалар тайинлаш тартиби тўғрисида низома ишлаб чиқиш назарда тутилган эди. Бироқ ҳозирги вақтда бундай ҳужжат қабул қилинмаган.

²ВМнинг 1994 йил 11 майдаги 249-сон қарорига 13-илова.

БУХГАЛТЕРГА ТАТБИҚ ЭТИЛМАЙДИ



Бухгалтериянинг барча ҳисоботлари ҳозирги вақтда компьютерда юритилиши боис, ходимларнинг монитор олдиди 8 соат мобайнида, чораклик ва йиллик ҳисоботларни топшириш даврларида эса 12 соатга қадар ўтиришларига ўттири келади. Маълумки, компьютер олдиди тўрт соатдан кўп ўтириш саломатликка зарар етказиши.

Компьютер олдиди тўрт соатдан кўп ишлаганда ходимларга қўшимча тўлов қайси йўриқномалар асосида ва қанча миқдорда берилади?

Э.Кўзиев.

– Биринчи навбатда шуни таъкидлаш лозимки, ходим компьютер олдиди ишлаши ёки ишламаслигидан қатъи назар, бироқ агар у 7 соатдан (6 кунлик иш ҳафтасида) ёки 8 соатдан (5 кунлик иш ҳафтасида) кўп меҳнат қилса, бундай меҳнат иш вақтидан ташқари иш ҳисобланади ва унга камида икки баравар миқдорда ҳақ тўланиши керак. Иш вақтидан ташқари иш-лаш фақат ходимнинг розилиги билан қўлланиши мумкин.

Оғир, зарарли, ўта зарарли меҳнат шaroитларида ишлаш учун, шу жумладан ана шу шaroитларда узлуксиз иш стаж учун иш ҳақиға устамалар касблар рўйхати ҳамда ишлар рўйхати бўйича Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади¹. Одатда қўшимча тўловлар оғир

ва зарарли меҳнат шaroитларидаги ишларда тариф ставкасининг 12%га қадарини ва ўта оғир ҳамда ўта зарарли меҳнат шaroитларидаги ишларда тариф ставкасининг 24%га қадарини ташкил этади.

Меҳнат шaroити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган ходимлар учун иш вақтининг чекланган муддатига² мувофиқ, электрон ҳисоблаш машиналари (ЭХМ)даги, видеотерминаллардаги ва электрон ҳисоблаш тизимларидаги (яъни компьютерлардаги) ишларда бево-сита банд бўлган ходимларнинг иш куни муддати 4 соатдан ошмаслиги керак. Қўшимча ҳақ оғир шaroитлардаги ана шу 4 соатли иш учун тўланади, меъёрдан ортиқча иш эса иш вақтидан ташқари иш ҳисобланади.

Бироқ бухгалтернинг компьютер олдиди иши қонун ҳужжатларида меҳнат шaroити оғир, зарарли, ўта зарарли бўлган касблар рўйхати ва ишлар рўйхатига киритилмаган. Тегишинча, бухгалтернинг компьютер олдиди 7 соат (6 кунлик иш ҳафтасида) ёки 8 соат (5 кунлик иш ҳафтасида) мобайнида ишлаши меъёр ҳисобланади ва бунинг учун устама назарда тутилмаган.

Корхонада меҳнат шaroитларининг ҳолатини баҳолаш учун куйидагиларга мувофиқ иш жойларини аттестациялаш ва зарарлилик оғирлиги омилларини (газланганлик, ҳарорат режими, зарарли моддалар концентрациясининг мавжудлиги ва ҳоказо) инструментал ўлчаш керак:

- Меҳнат шaroитларини баҳолаш услубияти ва иш жойларини меҳнат шaroитлари бўйича аттестациялаш³;

- Иш жойлари аттестациядан ўтказилганида меҳнат жараёнининг қизгинлигини баҳолаш бўйича услубий тавсиялар⁴;

- Иш жойлари аттестациядан ўтказилганида меҳнат жараёнининг оғирлигини баҳолаш бўйича услубий тавсиялар⁴;

- Ишлаб чиқаришда ногиронлар меҳнатидан фойдаланилганда иш жойларини аттестациядан ўтказиш тартиби⁵;

- Ишлаб чиқариш муҳити омилларининг зарарлилиги ва хавфлилиги, меҳнат жараёнининг оғирлиги ва қизгинлиги кўрсаткичлари бўйича меҳнат шaroитларининг гигиеник классификацияси⁶ (ЎЗР СанҚваМ 0141-03-сон);

- ЎЗР санитария меъёрлари,

қоидалари ва гигиеник нормативлари.

Аттестациянинг даврийлигини корхона мустақил белгилайди, бироқ у 5 йилда камида бир марта ўтказилиши керак. Уни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш учун жавобгарлик корхона, ташкилоти раҳбари (эгаси) зиммасига юкланади.

Агар аттестация корхона ходимлари саломатлиги учун зарарли бўлган физик, кимёвий, биологик ва бошқа ишлаб чиқариш таъсирига учраётганлигини аниқласа, улар муайян кафолатларга, масалан, иш вақтининг қисқартирилган муддатида ишлашга ҳақлилар. Бундан ташқари, ноқулай меҳнат шaroитларида банд бўлган ходимлар белгиланган меъёрларга кўра сут (бошқа тенг қимматли озиқ-овқат маҳсулотлари), даволаш-профилактика таомлари ва бошқа ҳимоя воситалари билан бепул таъминланишлари керак.

Корхоналарнинг раҳбарларига қасаба уюшмалари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари билан келишган ҳолда иш жойида ўз маблағлари ҳисобидан муайян меҳнат шaroитларидан келиб чиқиб қўшимча тўловларни белгилаш ҳуқуқи берилган.



Давлат ташкилотининг бош бухгалтери лавозимига тайинлашни қайси меъёрий ҳужжат тартибга солади? Уни ишга қабул қилиш учун нима асос бўлади?

Н.Солиҳова.

БОШ БУХГАЛТЕР ЭТИБ ТАЙИНЛАНГАН

– Давлат ҳамда хусусий ташкилотларга ходимларни ишга қабул қилиш Меҳнат кодекси (МК)га мувофиқ амалга оширилади. Аввало у иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади, ходим билан тузилган меҳнат шартномаси уни чиқариш учун асос бўлиб ҳисобланади (МКнинг 82-моддаси). Ходимларни ишга қабул қилиш ва уни расмийлаштириш тартиби тўғрисида биз газетамиз саҳифаларида бир неча марта ёзганмиз («Норма маслаҳатчи»нинг жорий йилдаги 23 (256), 40 (273)-сонларига қаранг).

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 августдаги 181-сон қарори билан Хизматчилар асосий лавозимлари ва ишчилар касбларининг классификатори тасдиқланиб, унда хизматчининг тегишли лавозимига ёки ишчининг касби бўйича ишга қабул қилиш чоғида маълумот даражасига қўйилган энг кам талаблар белгиланган. У Президент ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан ташкил этилган барча давлат органлари ва ташкилотларида, хўжалик бошқаруви органларида, шунингдек устав капиталида давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган субъектларда қўлланилиши мажбурий. Классификаторга кўра кўрсатилган ташкилотларда бош бухгалтер олий маълумотга эга бўлиши керак.

Бошқа хўжалик юритувчи субъектлар учун Классификатор ишга қабул қилиш чоғида маълумот даражасига энг кам талаблар қўйиш қисмида тавсия тусига эга ва бош бухгалтер лавозимига қабул қилиш чоғида олий махсус маълумотнинг зарурлиги масаласи корхона раҳбари томонидан ҳал қилинади.

Бош бухгалтер лавозимини тавсия қилиш, юқори турувчи ёки бошқа органлар билан келишиш ва уни тасдиқлаш масаласига келганда, мазкур тартиб аниқ давлат ташкилоти (муассасаси) фаолиятини тартибга соладиган меъёрий-ҳуқуқий ёки локал ҳужжатларда белгиланиши керак. Барча давлат ташкилотларида шахсни бош бухгалтер лавозимига тасдиқлаш тартибини белгилайдиган ягона ҳужжат мавжуд эмас.

Расмий жавоб

ҲУЖЖАТНИ КУТИНГ



Бизда меҳнат дафтарчаларини юритиш бўйича юзага келган саволларга жавоб берсангиз.

Ишловчиларнинг миқдори 10–15 кишини ташкил қиладиган кичик бизнес корхоналарида раҳбарият кадрлар бўлими инспектори лавозимини назарда тутмайди ва кадрлар ҳисоби бўйича ишни одатда бухгалтер юритади.

Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага кўра улардаги ёзув Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида амалга оширилади. Агар бухгалтер адабий давлат тилини, бунинг устига лотинча ёзувни билмасачи? Меҳнат дафтарчасига ишга қабул қилиш, хизматда кўтарилиш ва меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги ёзувни рус тилида қайд этса бўладими?

Л.Ким,
«ЗУККО» МЧЖ
бош бухгалтери.
Янгийул шахри.



– Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги сизнинг 2010 йил 8 октябрдаги 59-сон хатингизни кўриб чиқиб, ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳнат дафтарчасининг янги шаклини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори лойиҳаси тайёрланаётганлигини (виза қўйиш босқичида) маълум қилади.

Шу муносабат билан меҳнат дафтарчаларини тўлдириш хусусиятлари масаласига оид олдиндан тушунтириш бериш газетхонларни янглиштириши мумкин.

Нафақат меҳнат дафтарчаларини давлат тилида тўлдириш бўйича, балки меҳнат дафтарчасининг янги шаклини юритиш янги тартиби бўйича ҳам жавоблар (материаллар) тайёрлаш мақсадга мувофиқ бўларди.

Д.МАТРАСУЛОВ,
Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекциясининг бошлиғи.

¹Ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 1, 2 ва 3-рўйхатлари ВМнинг 1994 йил 12 майдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган.

²ВМнинг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарорига 8-илова.

³Меҳнат вазирлиги ва ССВ томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 1996 йил 28 майда 247-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

⁴Бош давлат санитария шифокори томонидан 2004 йил 12 майда тасдиқланган.

⁵Меҳнат вазирлиги томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 1999 йил 18 ноябрда 839-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

⁶Бош давлат санитария шифокори томонидан 2003 йил 6 октябрда тасдиқланган.

Жавобларни «Норма» МЧЖ юристи Мария ТУХТАРОВА тайёрлади.

ТОП

ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

«Норма маслаҳатчи» N 48 (281) 2010 йил 7 декабрь

Chevrolet NIVA
Хақиқий внедорожникнинг янги тури

Товар сертификатланган

166-10

Расмий дилер: "Sanar" хусусий корхонаси www.sanar.uz
Манзил: Тошкент ш., Кичик ҳалка йўли кўч., 22В (мўлжал – Жанубий вокзал)
Тел.: (+99871) 140-00-61, (+99890) 317-67-97, 325-88-87

CHEVROLET

"SANAY" ҚК Хитой ва Италияда ишлаб чиқарилган юқори сифатли

КАФЕЛЬ

сотади, ўлчами 60x60, 45x45, 40x40

Буюртма бўйича Хитойдан ҳар қандай ускунани етказиб берамиз

Товар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган

Тошкентдаги омбордан сотилади

Тўлов – исталган шаклда

Тошкент ш., Ҳамза тумани, Султонали Машҳадий кўч., 210 (мўлжал – шампан винолари заводи).
Тел.: 269-44-66, факс 269-44-33, Уяли +99893 375-56-58.
E-mail: sanay_uz@yahoo.com

МДХдаги ЭНГ ЙИРИК ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРДАН БИРИ

АНДИЖОН КАБЕЛЬ ЗАВОДИ

ТОВАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН

РЕАЛ НАРХЛАР БЎЙИЧА СИФАТ ВА КАФОЛАТ

Тошкент ш., Қибрай (собиқ М.Жалил) кўч., 92. Тел.: (99871) 150-11-77 (кўп тармоқли), 150-55-66 e-mail: tashkent@ak.uz, www.cable.uz

Ёнгин хавфсизлиги ойлиги давом этмоқда

ҲУШЁР БЎЛАЙЛИК!

Мамлакатимизда ўтаётган ёнгин хавфсизлиги ойлиги доирасида соҳамиз вакиллари турар жойлар, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда бўлиб, бу ерларнинг ёнгинга қарши ҳолатини ўрганиб чиқишмоқда. Аниқланган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш, табиий газ ва электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича зарур чора-тадбирлар кўриб борилаётир.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, оловга қарши курашиш фақатгина ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимларининг эмас, балки ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Аҳоли орасида тарғибот-ташвиқот тадбирларининг олиб борилиши ишмининг самарасини белгилаб бермоқда. Бинобарин, одамлар билан бевоҳита учрашувларда ходимларимиз очик алангадан фойдаланишнинг тартиб-қоидаларини тушунтирадилар, электр ва газ асбобларини доимо соз ҳолда тутиш, қўлбола усулдаги асбоблардан фойдаланмаслик, фақат белгиланган жойлардагина чекиш зарурлигини эслатиб ўтадилар. Ушбу

ART MEBEL GROUP
Офис ва уй учун

МЕБЕЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Мақбул нархларда
шинам муҳит ҳосил қилинг!!!

Фирма мебель салонларимиз:

1. Тошкент универмаги (собиқ МУМ) – 3-қават
2. Беруний кўч., Б-1, 2-уй, 1-секция (мўлжал – "Фунча" кинотеатри, "Тинчлик" м.б.) 057-10

Тўлов – исталган шаклда
Товар сертификатланган

Тел./факс: (+99871) 244-86-31, 244-59-54, (+99898) 310-20-77 www.art-mebel.uz

«Интеграл стар» ХК таклиф қилади

ЁҒОЧ-ТАХТА МАТЕРИАЛЛАРИ

ассортиментда

Хизматлар лицензияланган

Тўлов – исталган шаклда

Тел. 303-16-46, факс 274-66-77

«UNIKS-STAR» МЧЖ

НАСОСЛАР

чуқурликлар учун ЭЦВ 4, 6, 8, 10 туридаги
дренаж учун ГНОМ туридаги
К туридаги, Консоль

ВК туридаги, Вихрли
ЦМК туридаги фекаль
«Андижанец» насоси

«КАСКАД» ҚЎЗ

Товар сертификатланган

ТЕЛ.: 253-97-60, 188-98-38, WWW.NASOS.UZ

«CHILONZOR ULGURJI SAVDO» МЧЖ

Товар сертификатланган

- Гипсокартон учун рух қопламадан профиллар
- Шип учун осма тизимли «Armstrong» плиталари
- Кабель маҳсулоти
- Бўёқлар, алиф мой, лок
- Кир ювиш кукуни, совун
- Электродлар
- Кальций карбиди
- Битум, рубероид
- Линолеум
- Қуруқ қурилиш аралашмалари
- Алебастр
- Белкураклар, челақлар, болталар
- Мўйқаламлар, валиклар, колерлар
- Қулфлар (ўйма ва осма)
- ПВА елими, КМЦ
- Ёзув-чизув товарлари ассортиментда

Шунингдек 500 дан ортик номланишда

Тел.: (8-371) 140 00 12, 140 04 12; (+99897) 334 2233, 434 5250
Манзил: Тошкент ш., Бунёдкор шоҳкўчаси, 42, 109-офис. E-mail: chsu.torg@mail.ru

РЕКЛАМА

237-51-33, 237-47-20, 237-47-05

Статистика

2010 йилнинг ўтган даврида Тошкент шаҳри ҳудудида 1 428 та ёнгин содир бўлиб, уларда 33 киши турли даражадаги куйиш тан жароҳатини олган. Гарчи бу 2009 йилнинг шу даврига нисбатан анча кам бўлса-да, аммо аҳоли томонидан ёнгин хавфсизлиги қоидаларига эътиборсизлик оқибатида кўнгилсиз ҳолатлар содир бўлиб турганини кўрсатади.

қоидаларга доимо риоя қилиб борилса, йиллар давомида тўпланган мол-мулкни, уй-жойни сақлаб қолаверса, инсон ҳаёти ва саломатлиги хавфсизлигини таъминлаш мумкин бўлади.

Ёнгинларнинг олдини олишга қаратилган бундай тадбирлар нафақат ойлик доирасида, балки йил мобайнида давом этади.

Ш. ИБРАГИМОВ,
Шайхонтоҳур туман
ИИБ ЁХБ бошлиғи,
подполковник.

ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

ТОП

237-51-33
237-47-20
237-47-05

“Аудит-ВАРН” МЧЖ
аудиторлик ташкилоти

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУТУН
ХУДУДИДА, БҲМС ВА МҲХС
БЎЙИЧА ИСТАЛГАН ТУРДАГИ
АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИНИ
ЎТКАЗАДИ

126-10

2008 йил 16 майдаги 000172-сон лицензия

Тел.: 8(371) 2762099,

уяли: +998971192248

Тошкент ш., Бунёдкор кўч., 42

Тошкент вил., тел. +998974541664

УзР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сонли гувоҳнома,
28.03.2008 йилдаги 00642-сонли лицензия.**“AMIR-AUDIT” МЧЖ**

- Хамма турдаги аудиторлик хизматлари
- Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш

Устав капиталимиз - УзРдаги 5000 ЭКИХдан ортиқ

САР сертификатига эга

аудиторлар керак.

Тел.: 409-04-23. Факс: 294-77-48

РЎЙХАТЛАР

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2010 йил 19 ноябрдаги 11-1006/24788-сонли ҳал қилув қарорига асосан Бекобод шаҳридаги “MOBIL-TARAQQIYOT” ХК (СТИР 206738147) ҳамда 11-1006/24789-сонли ҳал қилув қарорига асосан “OPTIMAL-SERVIS” КК (СТИР 204825998) банкрот деб топилган ва тугатишга доир иш жараёни бошланган. Тугатиш бошқарувчилари этиб Бекобод шаҳар ДСИ ходимлари Ш.Тожибоев ва Н.Холмирзаева тайинланган. Мазкур корхоналарга нисбатан талаб ва таклифлар Бекобод шаҳар, Истиқлол кўчаси, 40-уй, Бекобод шаҳар ДСИ биноси, 1-қават, 9-хонада қабул қилинади. Суд муҳокамаси ҳамда навбатдаги кредиторлар йиғилиши 2010 йил 16 декабрь куни соат 15.00 да Бекобод шаҳар ДСИ биносидан ўтказилади.

Тел.: (8-370) 912-29-55, факс: 150-64-66.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 24 ноябрдаги 10-1017/18752-сонли ҳал қилув қарорига асосан Мирзо Улуғбек туманидаги “SERGEY-RUSTAM” ХК банкрот деб эътироф этилди ва тугатишга оид иш очилди. Мазкур корхонанинг топширилмаган думалоқ муҳр ва бурчак штамплари, корхонанинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги қарорлари ва таъсис ҳужжатларининг асл нусхалари бекор қилинди. Корхонага нисбатан талаб, таклиф ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида тугатиш комиссияси томонидан Тошкент ш., Шахриобод кўчаси, 314-уй, Мирзо Улуғбек туман ДСИ биноси, 209-хонада қабул қилинади. Тел. 262-17-82.

Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясидан 2006 йил 23 июнда рўйхатдан ўтган “OLMALIQ KIPARIS” ХК (СТИР 206668622) бўйича таъсисчи қарорига биноан ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Даъво ва аризалар 2 ой муддат ичида қабул қилинади. Манзил: Олмалиқ шаҳар, Олмалиқ кўчаси, 6-уй, 1-хонадон.

Телефон: +99890-993-64-36.

Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясидан 2009 йил 30 октябрда рўйхатдан ўтган “DILSHOD CAPITAL” МЧЖ (СТИР 301360668) бўйича таъсисчи қарорига биноан ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Даъво ва аризалар 2 ой муддат ичида қабул қилинади. Манзил: Олмалиқ шаҳар, Нодирабегим кўчаси, 13а-уй.

Олмалиқ шаҳар ҳокимлигидан 2001 йил 20 августда рўйхатдан ўтган “OBODONCHILIK-KURILISH” МЧЖ (СТИР 203684455) бўйича таъсисчи қарорига биноан ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Даъво ва аризалар 2 ой муддат ичида қабул қилинади. Манзил: Олмалиқ шаҳар, Эски депо кўчаси, 1-уй.

Телефон: +99894-665-78-94.

Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясидан 2008 йил 26 июнда рўйхатдан ўтган “MAMLAKAT OMAD” ХК (СТИР 300874448) бўйича 2010 йил 24 ноябрдаги таъсисчи қарорига биноан ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Даъво ва аризалар 2 ой муддат ичида қабул қилинади. Манзил: Олмалиқ шаҳар, Байналмилал жангчилар кўчаси, 10-уй, 1-хона.

Телефон: +99893-534-81-45.

| ЭЪЛОНЛАР | ЭЪЛОНЛАР | ЭЪЛОНЛАР |
|---|--|--|
| АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ. АРЗОН*. Тел. 176-23-13. | Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*. Тел. 448-74-69. | «ADVOKAT ELITE». Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*. Тел.: 281-52-39, 448-74-69. |
| Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари*. Тел.: 370-63-06, 263-77-29. | ХИЗМАТЛАР ТАРЖИМАЛАР БЮРОСИ: техник, тиббий, юридик ҳужжатларни малакали таржима қилиш. Қонунийлаштириш. Тел.: 252-38-71, 454-80-01. | Ташкилий техникага хизмат кўрсатиш ва тузатиш. Тел.: 102-72-98, 244-58-12. |
| БАҲОЛАШ ХИЗМАТЛАРИ Асосий фондлар, кўчмас мулк, автотранспорт, ускуналарни қайта баҳолаш*. Тел.: (+99898) 365-33-50, 365-68-60. | Компьютерларни тузатиш, картрижларни тўлдириш. Тел. (+99890) 321-15-99. | Ташкилий техникани тўлдириш ва таъмирлаш. Тел. (+99897) 340-45-08. |
| КОНСАЛТИНГ ХИЗМАТЛАРИ Бизнес-режалар, ТИА, баҳолаш*. Тел. 500-70-30. | Видео-, фотосуратга олиш*. Тел. (+99897) 709-20-17. | |
| ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР Шартномаларни визалаш, хўжалик судида манфатларни ҳимоя қилиш, жиноят ишлари бўйича адвокат, корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш*. Тел. 449-03-03. | | |
| Дебиторлик қарзини ундириш. Хўжалик судида вакиллик қилиш. Корхоналарга юридик хизмат кўрсатиш. Адвокат Шуман Неля Сергеевна*. Тел./факс: 242-33-52; 341-03-50 (уяли). | | |

*Хизматлар лицензияланган.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг ҳал қилув қарорларига асосан Юнусобод туманидаги тугатилаётган корхоналар**РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | СТИР | Қарор рақами | Санаси |
|---------------------------------|-----------|-----------------|------------|
| “MAQSAD-146” ДХФ | 200831567 | 10-1020/13651-Т | 14.09.2010 |
| “VEV” МЧЖ | 200829970 | 10-1020/13657-Т | 14.09.2010 |
| “NIKITA BIZNES” ХФ | 203013079 | 10-1020/13635-Т | 14.09.2010 |
| “TOROS” ХФ | 202822014 | 10-1020/13652-Т | 14.09.2010 |
| “MATLUBOTBIZNES-SAVDO” МЧЖ | 203359074 | 10-1020/13641-Т | 14.09.2010 |
| “KARAG'ONI” ХФ | 203660217 | 10-1020/14019-Т | 16.09.2010 |
| “INTESTAGRO” ХФ | 203770064 | 10-1020/13645-Т | 14.09.2010 |
| “VATANPARVAR VS PLUS” МЧЖ | 204233699 | 10-1020/13640-Т | 14.09.2010 |
| “GAYSAYD-SAVDO” МЧЖ | 204051886 | 10-1020/13644-Т | 14.09.2010 |
| “TOZA-SUV-XIZMAT” МЧЖ | 204118365 | 10-1020/13643-Т | 14.09.2010 |
| “HUMOYUN IM” ХФ | 204284858 | 10-1020/14024-Т | 16.09.2010 |
| “TIME-RAA-INVEST” ХК | 206140569 | 10-1020/14017-Т | 16.09.2010 |
| “KONDI PRESS” МЧЖ | 204604426 | 10-1020/13655-Т | 14.09.2010 |
| “MARKAZ-AK O'ZBEKBIRLASHUV” ШК | 204615784 | 10-1020/14018-Т | 16.09.2010 |
| “TEVIT-INVEST” ХК | 205651835 | 10-1020/13632-Т | 14.09.2010 |
| “EKSPOKONEKST” МЧЖ | 204964407 | 10-1020/13656-Т | 14.09.2010 |
| “MODUS VIVENDI” МЧЖ | 205198909 | 10-1020/13654-Т | 14.09.2010 |
| “VESTA-LEMAX” ХК | 205252113 | 10-1020/13631-Т | 14.09.2010 |
| “MAJESTY MODELS STILE” МЧЖ | 300047874 | 10-1020/13647-Т | 14.09.2010 |
| “IMAGE ART MEDIUM” МЧЖ | 300050223 | 10-1020/13648-Т | 14.09.2010 |
| “ODIL LAZA” ХК | 206778145 | 10-1020/14020-Т | 16.09.2010 |
| “NEON BUILDING GROUP” МЧЖ | 206946671 | 10-1020/13649-Т | 14.09.2010 |
| “LOCHIN-INVEST” МЧЖ | 206358217 | 10-1020/13653-Т | 14.09.2010 |
| “RED MEKANOKSIS” МЧЖ | 206434329 | 10-1020/13642-Т | 14.09.2010 |
| “MALAKALI TA'LIM” МЧЖ | 206524041 | 10-1020/13633-Т | 14.09.2010 |
| “HOJI-MAXSUTXON” ХК | 200839405 | 10-1020/13634-Т | 14.09.2010 |
| “FLAM-SAVDO” МЧЖ | 206731251 | 10-1020/13639-Т | 14.09.2010 |
| “RAVSHAN ALOQA SERVIS” МЧЖ | 300003589 | 10-1020/13650-Т | 14.09.2010 |
| “TALISMAN ORIET” ХК | 300022834 | 10-1020/13938-Т | 16.09.2010 |
| “ALLOD OF FAMILY” МЧЖ | 300069450 | 10-1020/14022-Т | 16.09.2010 |
| “GLONAS STROYIMPEKS” МЧЖ | 300260856 | 10-1020/13636-Т | 14.09.2010 |
| “TOSH-QURILISH-OMAD-SERVIS” МЧЖ | 300257898 | 10-1020/14021-Т | 16.09.2010 |
| “OPOLA-PROGRAM TRADE” МЧЖ | 206945056 | 10-1020/13638-Т | 14.09.2010 |
| “TASHKENT-BIZNES LYUKS” МЧЖ | 300900343 | 10-1020/13637-Т | 14.09.2010 |
| “VIDEO I SVYAZ” ХК | 300914966 | 10-1020/14016-Т | 16.09.2010 |

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак тамгалари, шунингдек Давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари ва барча таъсис ҳужжатларининг асл нусхалари бекор қилинади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Юнусобод тумани Ҳокимияти қошидаги махсус тугатиш комиссияси томонидан қабул қилинади. 2 ой мобайнида даъво билан Тошкент шаҳар махсус тугатиш комиссиясига муурожаат қилинмаган ҳолда корхоналар белгиланган тартибда Давлат реестридан чиқарилади.

Тел. 235-87-26.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИХУҚУҚ
СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯБОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОЕВТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1
E-mail: gazeta@norma.uz,
normapress@mail.ru

www.norma.uz

Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи назарига мос келмайдими.

Таҳририят огоҳлантирадиги, газетамизда мавжуд ахборотдан фойдаланганлик, фойдаланмаганлик ёки мувофиқ равишда фойдаланмаганлик билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар ва/ёки оқибатлар учун таҳририят жавобгар эмас. Таҳририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.

“Норма маслаҳатчи” да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат “Норма” МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета таҳририят томонидан тайёрланган днапозитивлар ёрдамида “TOPPRINT” МЧЖ босмахонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Ишкес - 186 Буюртма 839 Адали 4185. Баҳоси келишилган нархда
Газета 2010 йил 6 декабрда соат 17.00 да топширилади.
ISSN 2010-5223